

Тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва ёш мутахассисни иш билан таъминлашга кўмаклашиш
тўғрисида.

ШАРТНОМА

(Талаба, олий таълим муассасаси, маҳаллий ҳокимият органлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги
ўртасида тузилади)

№ _____

« ____ » _____ 2019 й

Самарқанд давлат тиббиёт институти

(олий таълим муассасасининг номи)

(кейинги ўринларда «Олий таълим муассасаси» деб номланади) номидан муассаса

Уставига асосланиб иш юритувчи **ректор Шамсиев Азамат Мухиддинович** бир томондан
(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги

(соғлиқни сақлаш вазирлиги,))

Уставига асосланиб иш юритувчи **А.Шодмонов** иккинчи томондан,
(Ф.И.Ш)

(маҳаллий (ВССБ, ТТБ, ШТБ) ҳокимият органи)

Уставига асосланиб иш юритувчи _____

(маҳаллий (ВССБ, ТТБ, ШТБ) ҳокимият органи раҳбари, Ф.И.Ш)

учинчи томондан, (кейинги ўринларда «потенциал иш берувчи» деб номланади)

ва олий таълим муассасаси _____ мутахассислиги бўйича

2018-2019 ўқув йилида битирувчи _____ да

(манзили)

яшовчи _____ (кейинги ўринларда «битирувчи» деб номланади)

(талабанинг Ф.И.Ш.)

тўртинчи томондан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 сентябрдаги 769- сонли қарорининг
“Низоми”га асосан ёш мутахассисларни ўқитиш ва ишга жойлашишига кўмаклашиш мақсадида
ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ.

1.1. Давлат грантлари ҳисобидан олий таълимга эга бўлган ёш, мутахассис
(бакалавр, магистр, клиник ординатор)ларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш
ва уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.

2.1. Олий таълим муассасаси:

2.1.1. Ноёб таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича эҳтиёж кўп бўлган
тақдирда «Потенциал иш берувчи»ларни тендер асосида танлаш.

2.1.2. Талаба ўқув амалиётини ўташи учун «Потенциал иш берувчи»нинг интеллектуал ва
моддий-техникавий базасининг имкониятларини ўрганиш ва шу асосда тегишли таклиф
киритиш.

2.2. Маҳаллий ҳокимият органи ва «Потенциал иш берувчи»:

2.2.1. «Олий таълим муассасаси» ўқув режа ва дастурлари билан танишиш ҳамда уларни
ишлаб чиқариш талабларига мувофиқлаштириш юзасидан ўз таклифларини бериш.

2.2.2. «Талаба»нинг Давлат имтиҳонларида аттестация комиссияси аъзоси сифатида
қатнашиш.

2.3. «Битирувчи»:

2.3.1. Ўқиш фаолияти даврида белгиланган амалиётларни «Потенциал иш берувчи»
белгилаган корхонада ўтиши.

2.3.2. Таълим муассасасини битиргандан сўнг эга бўлган мутахассислиги доирасида иш
билан таъминлашни талаб қилиш.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. Олий таълим муассасаси:

3.1.1. «Битирувчи»ни Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари асосида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган малакали мутахассис этиб тайёрлаш.

3.1.2. «Потенциал иш берувчи»га «Битирувчи» тўғрисида ўқишни тамомлагандан сўнг тегишли тавсияномалар бериш ҳамда корхонадаги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш.

3.1.3. Ўқишни тамомлаб, «Битирувчи» ишга жойлашгандан кейин 3 йил давомида унга зарур услубий ёрдам кўрсатиш.

3.1.4. Шунингдек, томонларнинг розилигига асосан қуйидаги шартларни бажариш мажбуриятини ҳам олади:

а) -----

3.2. Маҳаллий ҳокимият органи, «Потенциал иш берувчи»:

3.2.1. «Битирувчи» ўқишни тамомлаганидан сўнг, уни тегишли тартибда Ўзбекистон Республикасининг машғулотлар миллий стандарти Таснифлагичи (Классификатори)га мувофик иш билан таъминлаш.

3.2.2. «Битирувчи» ўқишни тамомлаб, ишга жойлашгач, унга меҳнат фаолияти давомида услубий ёрдамлар кўрсатиш.

3.2.3. Қуйидаги ижтимоий ёрдам ва имтиёзлар кўрсатиш:

а) -----

3.3. «Битирувчи» ўқишни тамомлаганидан сўнг:

3.3.1. Мазкур шартнома асосида давлат бюджетига таълим олиб, ўқишни тамомлаганидан сўнг, маҳаллий ҳокимият органи ва «Потенциал иш берувчининг тавсия этилган соғлиқни сақлаш муассасасида 36 ой давомида самарали фаолият кўрсатиши.

3.3.2. Грант асосида таҳсил олшан «Битирувчи» мажбурий ишлаб беришдан бош тортган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олий тиббий таълим муассаси томонидан талаба ўқишни битиргани ҳақида тегишли буйруқни чиқарган вақти амалда қўлланилган энг кам иш ҳақининг 400 баробари миқдорида компенсацияси тўлайди.

3.3.3. Ўз мутахассислиги бўйича малака тавсифномасида назарда тутилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари талаблари асосида мустақил фаолият олиб бориш учун мустақил билим ва малакага эга бўлиши.

IV.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Томонларнинг бири ушбу шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда бошқа тарафга етказилган зарарни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тўлайди.

V.ТОМОНЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома қуйидаги ҳолларда қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин:

5.1.1. «Битирувчи»нинг малакаси, билими ушбу мутахассис учун амалда ўрнатилган Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб бермаса.

5.1.2. «Потенциал иш берувчи» иш берувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда.

5.2. Ушбу шартнома томонларнинг барчаси имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда шартнома тўлиқ бажарилгунга қадар амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

| | | | |
|--|---|--|---|
| <p>“Самарқанд давлат тиббиёт институти”</p> <p>(номи)</p> <p>Манзил: Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси 18 уй Тел.:233-07-66 233-71-75 Х/р:400910860184017950100054001 МФО:00283 ИНН:2010077011 Имзо, мухр:_____А.Шамсиев</p> <p>Сана: _____</p> | <p>Маҳаллий (ВССБ,ТТБ, ШТБ) ҳокимият органи:</p> <p>(номи)</p> <p>Манзил: _____</p> <p>Тел.: _____</p> <p>Факс: _____</p> <p>Код: _____</p> <p>Х/р: _____</p> <p>ИНН: _____</p> <p>Имзо, мухр: _____</p> <p>Сана: _____</p> | <p>“Соғлиқни сақлаш вазирлиги”</p> <p>Манзил:Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 12 уй</p> <p>Тел.: 71 239 48 36 Факс:71 239 13 72 Код: _____ Х/р: _____ ИНН: _____ Имзо, мухр:_____А. Шодмонов Сана: _____</p> | <p>«Талаба»:</p> <p>(Ф.И.Ш.)</p> <p>Манзили: _____</p> <p>Тел.: _____</p> <p>Паспорт серияси, номери, ким томонидан ва қачон берилган: _____</p> <p>Имзо _____</p> <p>Сана: _____</p> |
|--|---|--|---|